

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 404

Фарғона шаҳри

2022 йил "18 август"

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Меъмор Пардоз» хусусий фирмаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари С.Жўраев иккинчи томондан «Бешариқ тумани Қашқар МФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктини жорий таъмирлаш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1.Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари; қурилиш майдони, вақтинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нарҳини бўлиб чиқиш (ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартномага асосан «Бешариқ тумани Қашқар МФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктини жорий таъмирлаш» объектида лойиҳа-сметада белгиланган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-128862 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 8 август кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати кўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **580 567 812** (беш юз саксон миллион беш юз олтмиш етти минг саккиз юз ўн икки) сўмни ва объектда ишларни бажарилиши 75 кунни ташкил этади ҳамда объект **2022 йил " "** _____ кунни фойдаланишга топширилади.

4.Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда объектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

5.Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

6.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказилади, бу **87 085 171 х 2 = 174 170 343** (бир юз етмиш тўрт миллион бир юз етмиш минг уч юз қирқ уч) сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажартилиб, объектнинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% миқдорида амалга оширилади. Бюджетдан маблағ ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширмаганлиги учун мулкый жавобгар бўлмайди.

7. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ва ҳукумат қарори қабул қилиниши натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

9.2 Пудратчи:-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.3. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган зарар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибда “Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилишини истисно этмайди.

10. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг махсус ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар

бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.5 Вилоят ҳокимининг объектга маблағ ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун объектнинг махсус ҳисоб рақамларига вилоят молия бошқармасидан маблағ келиб тушмаганлиги учун буюртмачи тўловларни амалга оширолмаганда пудратчи олдида мулкый жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Буюртмачи бюджет маблағи олувчиси бўлганлиги сабабли, вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига ўз вақтида маблағ ажратилмаганлиги учун вилоят Молия бошқармаси жавобгар ҳисобланади ва низоли ҳолатларда судга жавобгар сифатида жалб қилинади.

11.3. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қиради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик қучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

«Меъмор Пардоз» хусусий фирмаси

Манзил: Бешарик тумани, Ватан кишлоғи

х/р: 20208000900884580001

Банк номи: “Универсалбанк” Қўқон бўлими

Тел: 94-425-73-00

МФО: 00973

СТИР: 305546075

ОКЭД-

Рахбар:  С. Жўраев



“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шҒХ: 10008186030401067210054004.

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси

ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинимасининг

СТИР: 201/22 919

Рахбар:  Х.А. Долимов



Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома **Ўзбекистон Республикаси** Фуқаролик кодексига, «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт  М.М. Маматкулов

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

маҳаллий бюджет ҳисобидан
Бешариқ тумани Қашқар МФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктини жорий таъмирлаш

(млн.сўмда)

Молиялаштириш шартлари	2022 йил												2022 йил	Жами		
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь				
1 Шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматидан <u>30% аванс</u>								174,171						174,171		174,171
2 <u>Жорий молиялаштириш берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда</u>								85,053	253,970	67,374				406,397		406,397
ЖАМИ								259,224	253,970	67,374				580,568		580,568
ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА								259,224	253,970	67,374				580,568		580,568



БУЮРТМАЧИ:



ПУДРАТЧИ:

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Бешариқ тумани Қашқар МФЙ оилавий поликлиника биносини жорий таъмирлаш бўйича

(минг сумда)

№	Иш турлари	Шартнома киймати	2022 йил													
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Қурилиш таъмирлаш ишлари	580 567,812											259 223,697	253 969,272	67 374,843	
	Жами объект бўйича	580 567,812	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	259 223,697	253 969,272	67 374,843	-

Буюртмачи:



Бош пудратчи:





«ТАСДИКЛАЙМАН»
«Капитал қурилиш соҳасида
бўйртмачи хизмати»
бош муҳандиси

Ш.Баҳромов
2022 йил.

18.08.2022 йил

Фарғона ш.

Вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» томонидан 08.08.2022 йил кунги №22110012128862 - сонли лот рақами билан Бешариқ тумани Қашқар МФЙдаги «Бешариқ врачлик пункти (ҚВП) ни жорий таъмирлаш» учун пудрат ташкилоти танлаш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 09

Қатнашдилар: Ш.Баҳромов - Бош муҳандис
Н.Ахмадалиев - Директор ўринбосари
Ш.Аъзамов - Бўлим бошлиғи
Н.Закиров - Бўлим бошлиғи
У.Узақов - Бўлим бошлиғи
Ж.Ҳолиқов - Бўлим бошлиғи

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "Меъмор Пардоз" ҳусусий корхонаси
2. "Олтин Водий Капитал Қурилиш" ҳусусий корхонаси






Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш кунни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи "Меъмор Пардоз" ҳусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

 Н.Ахмадалиев
 Ш.Аъзамов
 Н.Закиров
 У.Узақов
 Ж.Ҳолиқов

Йиғилиш котиби:

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
 ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
 ХОКИМАТИНИНГ
 Х.ИСАҚОВ
 2022 й "


Фарғона вилоят ҳокимлигининг "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" буюртмачилигида
 Маҳаллий бюджетни ҳисобидан Вилоят халқ депутатлар кенгашининг 20.05.2022й. VI -44-67-11-0-К/22 -сонли қарорига асосан
 2022 йил МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

А	Қурил иш бошла ниш ва фойдал аниш аниш а	Лоёқат қуваტი	Объектнинг узумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бонуси харажатлари	01.01.22й. ҳолатига количик қиймати жумладан, буюртмачи бонуси харажатлари	01.01.22й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта чисоблаш билан) қолдиқ қиймати буюртмачи бонуси харажатлари	01.01.22й. ҳолатига моялаштири иш қолдини жумладан, буюртмачи бонуси харажатлари	01.01.22й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта чисоблаш билан) қолдиқ қиймати буюртмачи бонуси харажатлари	2022 йил учун қилинган қўйималар лимити	2022 йилда фойдаланишга тоширилган		01.01.23й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта чисоблаш билан) қолдиқ қиймати буюртмачи бонуси харажатлари	01.01.23й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг қиймати (айта чисоблаш билан) қолдиқ қиймати буюртмачи бонуси харажатлари	Экспертиза хулосаси рақами ва санаси	Теллар (танловлар) нативасига бўйича баёнома рақами ва санаси	(млн.сўм, жорий нархда)	
									Муддат/ қуваат	Асосий фонд суммаси						
3	3	1 149,985	1 149,985	1 149,985	1 149,985	1 149,985	1 800,000	1 114,369	35,616	11,144	3	1 149,985	3	1 149,985	19	
	объект	35,616	35,616	35,616	35,616	35,616	1 800,000	1 114,369	35,616	11,144	3	1 149,985	3	1 149,985	объект	
1	1	593,314	593,314	593,314	593,314	593,314	593,314	580,568	12,746	5,806	1	593,314	1	593,314	18	
	объект	12,746	12,746	12,746	12,746	12,746	593,314	580,568	12,746	5,806	1	593,314	1	593,314	18	
	2022														18.07.2022й №51440	18
	жорий таъмирлаш														Лот №128862, "Меъмор Пардоз" ХФ 08.08.2022й	19
2	2	1	1	1	1	1	650,015				1					19
	объект	1	1	1	1	1	650,015				1					19
	2022															19
	таъмирлаш															19
3	3	1	1	1	1	1	556,671	556,671	22,870	5,338	1	556,671	1	556,671	21.07.2022й №32209	17
	объект	22,870	22,870	22,870	22,870	22,870	556,671	556,671	22,870	5,338	1	556,671	1	556,671	21.07.2022й №32209	17
	2022														Лот №128726, "Sultamalik Building" 05.08.2022й	17
	таъмирлаш															17

Ж А М И

- Бешарик тумани Кашкар МФЙ
 Худуддаги қишлоқ врачлик пунктини 2022
 жорий таъмирлаш
- Бувайда тумани Ургандажи МФЙ
 оилавий шифокор пункт биносини
 мукаммал таъмирлаш
- Қува тумани Гунгстон МФЙ оилавий
 поликлиника биносини мукаммал
 таъмирлаш

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ХОКИМИЯТИНИНГ
 ЯБҲИК ДИРЕКТОРИ
 2022 й "



Х.Долгимов